



## THE ROLE AND DEVELOPMENT TENDENCIES OF THE MEDIA IN THE REFORM PROCESS

**Seytnazarova Guljahan Sukhanatdinovna**

Teacher of Karakalpak State University, Ph.D.

**Bakhitova Jasmina Arman qizi**

Student of Karakalpak State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13753829>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> September 2024

Accepted: 11<sup>th</sup> September 2024

Online: 12<sup>th</sup> September 2024

### KEYWORDS

*New period journalism, process of reforms, fourth power, journalistic responsibility, professional skills, media space.*

### ABSTRACT

*This article discusses the role and problems of mass media in mainstreaming of Uzbekistan, importance and social status of journalists in the process of development, and the role and social importance of the press in the transformation of reforms and transmission its necessity broadband.*

## ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Сеитназарова Гулжаҳан Суханатдиновна**

Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси, PhD

**Бахитова Жасмина Арман қизи**

Қорақалпоқ давлат университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13753829>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> September 2024

Accepted: 11<sup>th</sup> September 2024

Online: 12<sup>th</sup> September 2024

### KEYWORDS

*Янги давр журналистикаси, ислоҳотлар жараёни, тўртинчи ҳокимият, журналист маъсулияти, профессионал маҳорат, медиамакон.*

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада Ўзбекистон янгиликларида ОАВ олдида турган асосий вазифалар, журналистларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрни, ижтимоий мавқеи ҳамда матбуотнинг ислоҳотлар ва унинг аҳамиятини аҳолининг кенг қатламига етказишдаги ўрни хусусида сўз боради.*

**КИРИШ.** Ҳар қандай жамиятда журналистика мамлакат ривожланишининг кўзгуси бўлган. Бу жараён айниқса, шиддат билан ўзгариб, турланиб бораётган глобаллашув даврида ҳар қачонгидан тез. Бугун ҳаётимизда ОАВ ва медиаларнинг эгаллаган ўрни ҳар қачонгидан ҳам беқиёс.

Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари ҳаммага бирдек кўтарингки кайфият улашди. Бу каби янгича нуқтаи назар ва пухта ишланган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” (1) да ўзининг ҳар томонлама ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбарининг юртимиз ва дунёнинг нуфузли минбарларидан янграган чиқишлари Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини руҳлантириб, энг муҳими, ташаббусга, фидойиликка ундамоқда. Зеро, эл-юрт манфаати йўлида жасорат ва куюнчаклик билан айтилган ҳар қандай даъват вақт ўтгани сари аҳамияти ортиб, халқ қалбидан мустаҳкам жой эгаллаб бораверди.

Барча соҳалар қатори Ўзбекистон журналистикаси ҳам янги босқичга қадам қўйди ва атирофимизда рўй бераётган ўзгаришларни кенг аҳоли қатламига, бутун дунёга таништиришда фаоллик кўрсатмоқда. Жамиятни демократик тарзда янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишга қўмаклашаётган янги тизим шаклланиши журналистларга катта имкониятлар эшигини ошди. Бу жараён журналистлардан катта маъсулият ва фидойиликни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакат бошига келган кунидан республикада янгиликларни амалга оширишда ОАВга, турли хил медиаларда фаолият олиб бораётган катта маҳоратга эга, тажрибали, шунингдек, ғайратли ёш журналистларга улкан ишонч билдириб, уларнинг журналистик фаолияти республиканинг, элу-халқимиз фаровонлигига, эртанги нурли келажагимизга умид билан ҳисса қўшиши кераклигига даъват қилмоқда.

**Метод.** Бу борада журналистларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ҳаётимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда медиалар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб(2), амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда ва энг муҳими уларнинг муаммоларини кўтариб чиқиш орқали уларга ижобий ечим топишда ташаббускор бўлиши кераклиги таъкидланмоқда.

“Журналистика ижтимоий институт сифатида” (3) бошқа институтлар, масалан, ҳукумат ёки парламент билан рақобатга туша олади, уларнинг фаолиятини назоратга олади. Мустақилликга эришилган илк йиллардан бошлаб, эътироф этиш жоизки, деярли чорак аср давомида миллий журналистикамиз бу вазифани тўлиқ бажара олмади, бунинг асосий сабаби ўша вақтларда мамлакат ягона бош реформатор бўлиб, ислоҳотлар вазифасини ўз зиммасига олди, шу сабабли, журналистликнинг маълум даражада давлат назорати остида бўлиши ўз-ўзидан маълум эди.

“Кейинги уч йил, айтиш мумкин бўлса, дунё харитасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва мақомини хийла ўзгартирди. Бу биз кўзимиз билан кўриб турган, турмушимизда акс этаётган янгиликларнинг инъикоси, албатта, дейди сиёсатшунос Қудратилла Рафиков. - Дунё сиёсатчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни кузатар экан, бу янгиликлар ташаббускори Шавкат Мирзиёевни “Хитой мўжизаси” муаллифи Ден Сяопинга қиёсламоқда”(4).

2018 йилда эса, «Туркия ва дунё рақибига ҳисса қўшганлар» номидаги анъанавий тақдирлаш маросимида ҳайъат аъзолари илк бор Президентимиз Ш.Мирзиёев номзодини “Йилнинг хорижий давлат арбоби” мукофотиغا лойиқ деб топди.



Шунингдек, Штаб квартираси Сеулда жойлашган Осиё журналистлари ассоциацияси (ОЖА) Ўзбекистон Президентини сиёсий йўналиш бўйича “2018 йил одами” деб эълон қилди.

Ассоциация вакиллари Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрда Ўзбекистон Президенти лавозимига киришганидан то ҳозирги вақтгача инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, очиқ сиёсат юритиш, шу жумладан, сиёсий маъбусларни озод этишда юксак натижа кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мазкур жараёнларда журналистлар янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишда, бутун жаҳонга олиб чиқишда фаоллик кўрсатмоқда.

Миллий журналистикамиз ҳаётида ўта муҳим тарихий воқеалардан бири Президентимизнинг биринчи марта элимиз парламенти – Олий Мажлисга йўллаган Мурожатномасида билдирилган таклифи асосида, “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини”(5)нинг ташкил этилиши бўлди.

Мазкур университет юртимизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган ОАВ соҳаси учун журналист кадрлар, шу жумладан, юқори малакали, бир нечта хорижий тилларни мукамал биладиган халқаро журналистлар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, республикада медиатаълим тизимини яратиш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мазкур йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Қарорда университетнинг келажакда олдида қўйган вазифаси журналистика соҳасини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асослари, замонавий медиатеологияларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали журналист кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш ва ҳ. иборат эканлиги таъкидланган. Зеро, миллий журналистиканинг аҳоли талаб ва истакларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, халқнинг энг яқин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланишида чуқур билим, замонавий дунёқарашга эга етук кадрларга эҳтиёжи бор. Чунки, “... ер юзидаги энг илғор халқлар орзу қилаётган бу сингари олимақом даражаларга фақат ва фақат ахборот сиёсати, маданияти ва албатта, илми билан етишиш мумкин бўлади. Чунки санаб ўтилган мақомларга кўтарилган жамият қон томирида қон эмас, ахборот, аниқроқ айтганда, оммавий ахборот оқади”(6).

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, “мен оммавий ахборот воситалари фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Лекин, афсуски, ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ижроси билан боғлиқ муаммолар, аҳоли мурожаатлари юзасидан газета, теле ва радиоканалларда танқидий мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар жуда кам.

Ваҳоланки, ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан



шижоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади», дея ОАВнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва замон талабига жавоб бериш учун ўзгаришларнинг вақти келганлиги айтиб ўтганди.

**Натижалар ва фикрлар.** Ҳақиқатдан ҳам, бундан икки-уч йил илгари кўпгина ОАВда, жумладан, босма нашрларда аналитик ҳамда танқидий руҳдаги материаллар деярли кўрмасдик. Одамлар куннинг энг сўнгги янгиликларидан фақат интернет ёки ижтимоий тармоқлар орқали хабардор бўларди. Бу жараёнларда ўзининг дизайни, формати, янги замонга хос услубига эга бўлмаган нашрлар ўз аудиториясини йўқотиш эҳтимолидан йироқ эмасди. Ҳозир бу кўрсаткич сон ва сифат жиҳатдан бир неча бора-бора ошди деб бемалол айта оламиз.

Президентимизнинг журналистлар олдига қўяётган теран таҳлил ва танқидий нуқтаи назар дастлаб “Ўзбекистон 24” телеканалда жонли эфир орқали узатилиб келаётган “Халқаро Пресс-клуб” сессияларида кўзга ташланди. Бутун Ўзбекистон медиа маконида “музёра”(7) вазифасини утаётган бу кўрсатувнинг ҳар бир сессиясида кўтарилаётган масалалар, чақирилаётган лавозимли шахслар ва муаммолар ечимини топишдаги янгича ёндашув айниқса, жонли эфир тажрибасини бошқа телерадио каналлар амалиётига ҳам жорий этиш самарали рақобат муҳитининг шаклланишига тўртки бўлмоқда. Чунки, “журналист ахборотни қайта ишлайди, изоҳлайди ва танқид қилади”(8).

Бугунги кунга қадар Халқаро Пресс-клуб мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, уша ернинг ўзидан сунъий юлдош орқали жонли эфирда сессиялар олиб бормоқда. Шу каби сессияларидан бири «Орол ва Мўйноқ тақдири: денгиз чекинмапти, лекин инсон чекинмайди» мавзуда Нукус шаҳридан қарийб 300 километр узоқликда – Оролнинг қуйи қисмида ўтказилди. Бу ҳақида “Еркин Қарақалпақстан”(9) газетасида Е.Қанаатов муаллифлигида таҳлилий мақола чоп этилди.

Жонли эфир орқали Орол денгизи ва Мўйноқда амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақида нафақат юртимиз балки, бутун дунё кўриб гувоҳи бўлди. Кўрсатувнинг аҳамияти ва таъсирчан жиҳати шунда бўлдики, бу тадбир ўтказилган ерда 50-60 йил аввал 56 километрлик сув бўлган. Ҳозирги вақтда чўлга айланган мазкур ҳудудда саксовул экилиб, ўзига хос тўқойзорликга айлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Мазкур сессияда иштирок этган мутахассислар томонидан, саксовул ўзидан кислород чиқариши ва ҳавонинг ифлосланишининг олдини олиш хусусиятига эгалиги, бу – ҳозирги ўтаётган тадбирнинг экологик мазмуни эканлиги. Тўқойзорлар пайдо бўлганидан сўнг ҳудудда ёйловлар пайдо бўлиши ва шу аснода чорвачилик ривожланиши орқали иқтисодий масалаларга ечим топилиши ва шунинг натижасида халқнинг ижтимоий аҳволи яхшиланиши, таъкидлаб ўтилди.

Бу каби кўрсатувлар нафақат ахборот олиш балки, одамларда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши ва бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, ташаббускори бўлишга туртки вазифасини ўтайди.

ОАВнинг эркинлигини таъминлаш ва фаолиятини демократлаштириш, ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар “тўртинчи ҳокимият”нинг



хуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим вазифа, дейиш мумкин. Мисол тариқасида, 2019 йил 2 февраль куни яна бир муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонни қабул қилди. Унинг асосида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”(10) қарор эълон қилинди.

Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, Агентлик эндиликда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Шунингдек, янги орган ўз фаолияти давомида жаҳон ахборот маконида мамлакатимизнинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, мамлакатнинг инвестиция муҳити ва туристик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

“AlterEgo”нинг янги сонида мазкур агентликнинг директори К.Алламжонов билан интервьюси “Халқ сўзи” газетасининг расмий сайтида(11) эълон қилинди.

К.Алламжонов суҳбат давомида корреспондентнинг: “Сиз шахсан мамлакатда сўз эркинлигини қай даражада баҳолайсиз, унинг муаммолар нимада?” деган саволига: - “... Агар ўтмишга назар солсак, 25 йил давомида журналист касби эътиборсиз бўлган. Мамлакатда ОАВ соҳаси деярли ёпиқ ва цензура кучли бўлган, журналистлар ва ОАВ қатъий назорат қилинган ҳамда муайян омилар сабаб журналистика факультети битирувчилари бошқа соҳаларга ўтиб кетишган. Журналистик фаолиятини давом эттирганлар эса асосан енгил, юзаки ёндашувларга берилиб кетишган, воқеликларни чуқурроқ, таҳлилий нуқтаи-назардан ёритишмаган ва мукамаллашиш учун ўз устида ишлашмаган.

Бироқ энди бирданига профессионал даржада ишлаш имконияти юзага келди, қутилмаганда ҳамма эшиклар очилди. Албатта, муаммолар ҳам бор. Журналистлар учун осон бўлаётгани йўқ. Биз буни жуда яхши тушунамиз. Бироқ..., Юртбошимизнинг сиёсий иродалари бор, давлат ва ҳукуматнинг танлаган йўли, ўз ёндашуви бор», дея янги давр журналистикасига ўз муносабини билдиради.

Шу каби интервьюлардан яна бири «Америка овози» телерадио компанияси муҳбири Навбахор Имомова томонидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА бош директори Абдусайд Кўчимов билан суҳбат ўтказилди (12).

Суҳбат жараёнида агентлик раҳбари бугун Ўзбекистонда очиқлик, шаффофлик ҳуқум сўраётгани, жуда кўп ўзгаришлар бўлгани ва бунда биринчи ўзгариш – демократия эканлиги таъкидлаб ўтади.

А.Кўчимовнинг миллий медиа макондаги ўзгаришлар ҳақида билдирган қуйидаги мулоҳазаларини келтириб ўтишни жоиз билдик: «...икки-уч йил олдинги ўзбек матбуотидан иккита-учта сонини олиб, бугунгиси билан қиёслаб кўрсак, жавоб аён қўринади. Бизда Президент ташаббуси билан бўлаётган ислохотлар матбуотдан бир



*неча қадам олдинда кетмоқда. Илгари айтиш мумкин бўлмаган, айтган пайтда, керак бўлса, бошига палаҳмон тоши отиладиган воқеаларни, ҳодисаларни Президентимизнинг ўзлари айтаяпти: «Эй, барака топгурлар, ёзинглар, кўрсатинглар, одамларнинг кўзини очинглар, одамлар тушунсин, ҳаракат қилсин. Бугун қарсақбозлик, офаринбозлик замони ўтди. Бугун ишлайлик» деяпти. Ҳаётдаги мана шу ўзгаришлар матбуотимизда ҳам яққол кўринмоқда».*

Мавзуни давоми сифатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Лазиз Тангриев ва «Озодлик» радиоси халқаро ташкилотининг бош муҳаррири ҳамда вице-президенти Нинад Пежич учрашуви ҳақида(13)ги мақолани келтириш мумкин.

Мақолада Нинад Пежич сўзини Ўзбекистонга келишининг асосий сабаби ҳақида тўхталиб ўтишдан бошлаб, қуйидагиларни баён қилади: - «Ўзбекистонга келишимнинг асосий сабабларидан бири шуки, бугун давлатингизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Биз, албатта, бу ўзгаришларни Ўзбекистон учун яхши деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ўзбек матбуотида ижобий маънода портлаш содир бўлди. Ва биз ана шу портлашнинг бир бўлаги бўлишни хоҳлардик. Айнан мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият юритишни истаймиз. Мен Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари соҳасида катта иштиёқни ҳис қилаяпман. Чунки ҳамма давлатларда ҳам матбуот соҳасидаги вазиятни яхши деб бўлмайди. Баъзи давлатларда ОАВ эркинлиги пасайиб бормоқда».

Бугунги кунда ОАВ тизимида фаолият юритаётган газеталар сони бир неча юзтадан, телевидение, радио ҳамда интернет фойдаланувчилари сони эса бир неча ўн миллион нафардан ошиб кетди. Шу нуқтаи назардан, уларда миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ҳам ўтиш кузатилмоқда.

Миллий журналистикамиз чин маънода тикланиш, янгиланиш босқичида. Буни журналистларнинг эркин фаолият юритаётганидан, танқидий материалларнинг кўпайганидан ҳам англаш мумкин.

Бугун ахборот уммони шу қадар улканки, унда чўкиш ҳеч гап эмас. Шу боис анъанавий ОАВ зиммасига нафақат биринчи бўлиб хабар бериш, балки ўқувчини ўйлантирадиган, рўй берган воқеанинг сабаб ҳамда оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритишга ундайдиган, том маънода журналистик материалларни тақдим этишдек маъсулиятли вазифа юкланди.

**Хулоса.** Журналистлар жамиятни илғор гуруҳи бўлганликлари сабабли улар замонавий ҳаётдан орқада қолиб кетишлари мумкин эмас. Бунинг учун улар бугунги дунёқарашга эга, ижтимоий муаммоларни тез илғаб олишга қодир ва юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмунини теран англамағи зарур.

Бунинг учун журналист ҳар қачонгидан ҳам жасоратли бўлиб, муаммони ёзишда дадил туриши керак. Бу аслида, янги даврнинг, янги журналистиканинг шартти.

Муҳтарам Президентимиз соҳа ходимларига йўллаган табригида ҳам бунга алоҳида урғу бериб, “ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислохотларимиз мантиғи барчадан янгича ишлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда»(14), дея таъкидлаган эди.



Ахборот асрида маълумотлар дақиқа сайин эскириб, ўзгариб бораркан, инсоният ҳар бир соҳадаги янгиликларни тезкорлик ва интиқлик билан кутади. Айниқса, жамиятнинг ахборотга бўлган талаби ортиб бораётган бир паллада янгиликларнинг холис ва аниқлиги, ёндашувларнинг адолатлилиги ҳар бир кишидан воқеаларга баҳо беришда синчковлик ва эътибор билан ёндашишни талаб қилади.

Бундай шароитда оммавий ахборот воситалари сиёсий коммуникациянинг таркибий элементи сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига ахборий-мафкуравий таъсир этиб, давлат институтларига нисбатан жамоатчилик назоратининг кучайиши учун янгидан-янги имкониятларни келтириб чиқариши лозим. Демак, оммавий ахборот институтларининг бугунги жамият ҳаётидаги маънавий-сиёсий ва интеллектуал салоҳияти қанчалик кучли бўлса, жамиятда шу даражада фаоллик ва рағбат, бунёдкорлик ҳамда уйғоқлик туйғулари кучли бўлади.

Янги давр журналисти бўлишнинг шarti - кўпроқ ишлаш, жамиятнинг ишончини қозониш йўлида чинакам меҳнат қилиш, воқеаларни очиқ-ойдин, рўй-рост баён этиш, кўрсатиб бера олишдир.

Бунинг учун журналист энг аввало, жамиятда рўй бераётган ҳар қандай сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий йўналишларини аниқ кўра биладиган ва чет эл тажрибасини ўзимизга мослаштирадиган, аҳолининг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ва оширишга ҳаракат қиладиган, ўзи ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этиб, кишиларни бунга жалб этадиган етакчи сифатида намоён бўлиши зарур.

Миллий журналистикамиз чин маънода янгиланишлар жараёнини бошдан кеширмоқда. Бу ҳам технологик, ҳам шаклий, ҳам қонуний жиҳатдан ўз ифодасини топмоқда.

«Янги журналистика» ва «янги тузим». Бу каби ўзгариш ва имкониятларга ҳамоҳанг таризда таълим тизимида ҳам туб бурилиш бўлди. Яқин йиллар ичида Ўзбекистон журналистикаси айниқса, матбуотининг «янги медиа» нинг барча талабларга жавоб берадиган воситага айланишига ишонамиз.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. (2017). «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Тошкент: 6-сон.
2. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида» Қарори; 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори; 2017 йил 15 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори; 2019 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.



3. Қаранг: Мўминов Ф.А. (1998). Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Тошкент: ТошДУ.
4. <http://uza.uz/uz/society/yangilanayotgan-o-zbekiston-tarixni-kuchlilar-yaratadi-24-07-2019?sphrase id=3033516>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. 24.05.2018. <http://lex.uz/docs/3748563>
6. Дўстмуҳаммад Ҳ. (2013). Ахборот - муъжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 92 б.
7. Қаранг: Тажирибали журналист, с.ф.н, доц. Ш.Т.Қудратходжаевнинг Ўзбекистон медиа маконида алоқида ўрнига эга телелойиҳа «Халқаро Пресс-клуб» фаолияти ҳақидаги фикрлари // “Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари” мавзусидаги VI Республика анаънавий илми-амалий конференция тўплами. (2018) – Тошкент: ЎЗМУ, 19 б.
8. Лукина М. М. Фомичева И. Д. СМИ в распронстве Интернета. [www.evartist.narod.ru](http://www.evartist.narod.ru)
9. «Еркин Қарақалпақстан» 8 январь 2019 йил № 4 (20246).
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5653-сонли фармони. 02.02.2019. <http://lex.uz/docs/4188795>
11. <http://www.xs.uz/uz/post/aoka-direktori-prezident-bloggerlar-bloklangan-sajtlar-hokimlar-kozboyamachiliklar-davlat-ishi-tesla-va-boshqa-narsalar-haqida-nimalar-dedi>
12. <http://www.xs.uz/uz/post/ozbek-matbuoti-yangi-islohotlarga-mos-rivozhlanayaptimi>
13. <http://www.xs.uz/uz/post/ozodlik-radiosi-bosh-muharriri-ozbek-matbuotida-portlash-sodir-boldi>
14. <http://www.xs.uz/uz/post/prezident-tabrigi-matbuot-va-ommavij-akhborot-vositlari-khodimlariga-2>